



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-435

« » 20 г.

**Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви
“Бўстон” маҳалласи худудидан “FAYZ
SAYT BARAKA” хусусий корхонасига
“Иссиқхона” қуриш учун вақтинча ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 июлдаги 05-02/419-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 17 июндаги 170/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 07 июлдаги 05-02/419-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Бўстон” маҳалласи худудидан “FAYZ SAYT BARAKA” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1244қ ва 1245қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 46,2 балл бонитетли жами 10,50 гектар, шундан 10,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,3 гектар ариқ, 0,20 гектар йўл ер майdonи гидропоника усулида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (5 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “FAYZ SAYT BARAKA” хусусий корхонаси бошлиғи Р.Норсаидовага:

ажратилган ер майdonидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майdonи туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов